



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 21 yil « 30 » sentabr

№ 616

Toshkent sh.

Касбий малака ва билимларни ривожлантириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Малакаларни баҳолаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва меҳнат бозорини малакали кадрлар билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 31 декабрдаги ПҚ-4939-сон қарорига мувофик, шунингдек, касбий малака ва билимларни ривожлантириш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Малакаларни баҳолаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва меҳнат бозорини малакали кадрлар билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 31 декабрдаги ПҚ-4939-сон қарорининг 8-бандига мувофик Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (кейинги ўринларда – Вазирлик) хузурида **Меҳнат бозори тадқиқотлари институти** (кейинги ўринларда – Меҳнат институти) ташкил этилганлиги ҳамда унинг асосий вазифалари белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Куйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги хузуридаги Меҳнат бозори тадқиқотлари институтининг тузилмаси **1-иловага** мувофик;

Меҳнат институти ҳукуқий мақомини, асосий вазифа ва функцияларини, ҳукуқ ва мажбуриятларини, фаолиятини ташкил этиш тартибини, шу жумладан Меҳнат институти раҳбарияти функционал мажбуриятларини, Меҳнат институти фаолиятини баҳолаш мезонлари, унинг фаолияти самарадорлиги ва натижадорлиги индикаторларини назарда тутувчи **Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги хузуридаги Меҳнат бозори тадқиқотлари институти тўғрисидаги низом 2-иловага** мувофик;

Касбий малака ва билимларни ривожлантириш бўйича тармоқ кенгашлари (кейинги ўринларда – Тармоқ кенгаши) фаолиятини ташкил этиш тартибини, вазифалари, функциялари, ҳукуқлари ва мажбуриятларини, унинг таркибини, шунингдек, Тармоқ кенгаши мажлисларини ташкил этиш даврийлигини

назарда тутувчи **Касбий малака ва билимларни ривожлантириш бўйича тармоқ кенгашлари тўғрисидаги намунавий низом 3-иловага мувофиқ;**

малакани баҳолаш марказлари фаолиятини ташкил этиш тартибини, уларга қўйиладиган намунавий талабларни, мақсад ва вазифаларини, ҳукуқ ва мажбуриятларини ҳамда малакани баҳолаш марказларининг намунавий тузилмасини назарда тутувчи **Малакаларни баҳолаш маркази тўғрисидаги намунавий низом 4-иловага мувофиқ;**

2021 – 2022 йилларда Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан тармоқлараро меҳнат меъёrlарини жорий этиш бўйича ишланмаларни ишлаб чиқиш графиги 5-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

3. Вазирлик бир ой муддатда:

Меҳнат институтини юқори малакали кадрлар билан тўлдириш;

Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан (кейинги ўринларда – Жамғарма) Меҳнат институти биносини босқичма-босқич қайта таъмирлаш, шу жумладан, лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш, мебель, жиҳозлар, компьютер ва ташкилий техника воситалари сотиб олиш учун зарур маблағлар ажратиш чораларини кўрсинг.

4. Белгилаб қўйилсинки:

Меҳнат институтининг фаолияти Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ва қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади;

Меҳнат институтининг раҳбарлари ва ходимларига Вазирлик марказий аппаратининг тегишли раҳбар ва ходимларига белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш, мукофотлаш, кўп йиллик хизматлари учун устамалар белгилаш ва моддий ёрдам бериш шартлари татбиқ этилади.

5. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирига Жамғарма маблағлари ҳисобидан Меҳнат институтининг тузилмасига қўшимча штат бирликларини киритиш ҳукуқи берилсин.

6. 2021 йил 23 июль куни Москва шаҳрида Меҳнат инститuti ҳамда Россия Федерацияси Меҳнат ва ижтимоий ҳимоя вазирлигининг “Бутунrossия меҳнат илмий-тадқиқот институти” Федерал бюджет муассасаси ўртасида ҳамкорлик ва ўзаро фаолият юритиш тўғрисида битим имзоланганилиги маълумот учун қабул қилинсин.

Меҳнат инститuti доимий равища:

соҳага оид хорижий етакчи бошқа илмий-тадқиқот институтлари ва ташкилотлари билан ҳамкорлик ўрнатиб, биргаликда конференция, семинар, форум, симпозиумлар ўтказсин, илмий ходимлар малакасини ошириб борсин ҳамда қўшма илмий-тадқиқотларни амалга ошириш учун ўзаро тадқиқотчи ва экспертларни стажировкаларга юборсин ва таклиф қилсин;

хорижий етакчи бошқа илмий-тадқиқот институтлари ва ташкилотлари билан ўзаро ахборотлар алмашинувини йўлга қўйисин ҳамда чет эл ижобий тажрибасини Ўзбекистон шароитида қўллаш бўйича таклифлар ишлаб чиқсин;

мамлакатда касбий малака, билим ва кўникмалар миллий тизими такомиллаштирилишида ҳамда касбий стандартларнинг ишлаб чиқилишида илғор хорижий тажриба ва илмий ҳамжамият таклифлари қўлланилишини таъминласин;

мехнатни меъёрлаш масалалари бўйича меҳнат қонунчилигини такомиллаштиришга қаратилган таклифларни ишлаб чиқишида илғор хорижий амалиёт ва илм-фан билан уйғунликни таъминлаб борсин;

республика худудларида меҳнат бозорининг тизимли мониторингини ташкил қилиш, меҳнат ресурслари балансини ишлаб чиқиш учун маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш, меҳнат муносабатларини ва меҳнат бозорини ўрганиш бўйича тадқиқотларни ташкил этсин;

республиканинг айrim худудларида аёллар (айниқса, оғир турмуш шароитига тушиб қолганлар), ёшлар, шунингдек, ахолининг ижтимоий заиф қатламларининг бошқа тоифалари бандлиги бўйича тадқиқотларни ташкил этсин ҳамда ёшлар, аёллар ва ногиронлиги бўлган шахсларни ишга жойлаштириш механизмларини такомиллаштириш тўғрисида таклиф киритиб борсин.

7. Вазирлик Мехнат институти билан биргаликда:

а) икки ой муддатда:

мехнат бозорида долзарб бўлган касблар бўйича мутахассислар тайёрлашга доир услубий қўлланма ишлаб чиқсин. Бунда, Вазирлик тизимидағи “Ишга марҳамат” мономарказлари, касб-хунарга ўқитиши масканларида педагогик жараённи ташкил қилиш, шу жумладан, хориж меҳнат бозорида рақобатбардош ишчи касбларни тайёрлашга эътибор қаратилсин;

мехнатни муҳофаза қилиш, хавфсиз ишлаб чиқаришларни жорий қилиш, баҳтсиз ҳодисаларни камайтириш ҳамда жароҳатланишларнинг олдини олиш, ишсизликдан суғурталашнинг илғор хорижий тажрибаларини жорий этиш борасида ишлаб чиқариш йўналишлари бўйича асослантирилган таклифлар ишлаб чиқсин;

б) 2021 йил 31 декабрга қадар – замонавий бозор иқтисодиёти талаблариiga жавоб берадиган Ўзбекистонда меҳнатни меъёрлаш концепциясини ишлаб чиқсин. Бунда, Мехнат институтининг меҳнат муносабатларини халқаро тажриба асосида такомиллаштириш учун ижтимоий стандартлар ва меъёрларни ишлаб чиқишида иштирок этиши назарда тутилсин.

8. Мехнат институти **2021 йил 31 декабрга қадар** қўйидагиларни назарда тутувчи **Касбий малака ва билимларни ривожлантириш тизимини стратегик бошқариш механизмини шакллантиришга доир амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқсин:**

касбий малака ва билимларни ривожлантириш тизими мониторингини амалга ошириш кўрсаткичлари тизими ва методикасини тасдиқлаш;

касбий малака ва билимларни ривожлантириш тизимининг ҳолати ва ривожланиши мониторингини амалга ошириш;

касбий малака ва билимларни ривожлантириш тизими эксперtlари реестрини тузиш;

касбий фаолиятнинг тармоқлараро турлари бўйича тармоқ кенгашларининг ўзаро ҳамкорлиги тартибини ишлаб чиқиш;

давлат органлари ва ташкилотларининг касбий малака ва билимларни ривожлантириш тизимини ҳудудий меҳнат ва таълим бозорлари даражасида жорий қилиш ва такомиллаштириш бўйича фаолиятини баҳолашнинг кўрсаткич ва индикаторлари рўйхатини шакллантириш.

9. Белгилансинки, 2021 йил 1 ноябрдан бошлаб Меҳнат институти томонидан қуидагилар шакллантирилади ва юритилади:

компетенцияларни баҳолаш бўйича фаолият билан шуғулланувчи юридик шахслар регистрини ҳамда тасдиқланган малакага эга шахслар миллий реестрини жорий этади, юритади ва ривожлантиришни ташкил этади;

тасдиқланган малакага эга шахсларни ҳақиқатда ушбу малакага мувофиқлиги даражасини ўрганади ва таҳлил қиласи;

соҳадаги илғор ва ижобий амалиётларни жорий қилган ҳолда, Меҳнат бозорининг малакали кадрларга бўлган эҳтиёжини баҳоловчи тизим ҳамда касбий стандартларни ва мустақил малака баҳолашнинг **маълумотлар базаси**;

малакаларнинг халқаро миқёсда тан олинишини ва ўзаро таққосланилишини таъминлаган ҳолда, **меҳнат миграциясида талаб юқори бўлган касблар тўғрисида ягона маълумотлар базаси**.

10. Вазирликнинг:

Тошкент шаҳар Бандлик бош бошқармасидаги Давлат меҳнат инспекцияси тизимида тажриба-синов тариқасида юридик шахс мақомига эга бўлмаган Меҳнат соҳасидаги мурожаат ва низоларни ўрганиш ҳамда ҳал қилишга кўмаклашиш марказини (кейинги ўринларда – Марказ) ташкил этиш, 2023 йил 1 январга қадар тажрибанинг ижобий якунлари бўйича Марказ фаолиятини республика бўйича татбиқ этишнинг мақсадга мувофиқлиги ёки мақсадга мувофиқ эмаслиги юзасидан асослантирилган таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритиш;

Вазирлар Маҳкамасининг “Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича уч томонлама комиссиялар тўғрисида” 2019 йил 3 июлдаги 553-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича республика уч томонлама комиссиясига жамоа музокараларини ўтказишида Марказ томонидан кўмаклашиш амалиёти жорий этилиши тўғрисидаги таклифлари маъқуллансан.

11. Вазирлик бир ой муддатда Мехнат соҳасидаги мурожаат ва низоларни ўрганиш ҳамда ҳал қилишга кўмаклашиш маркази тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

12. Марказни моддий-техник жиҳатдан таъминлаш, шу жумладан, унинг фаолиятини ташкил қилиш мақсадида қўшимча жалб қилинган мутахассислар иш ҳаки харажатлари Жамғарма маблағлари ҳисобидан молиялаштирилишига рухсат берилсин.

Белгилансинки, Марказ ходимларига Тошкент шаҳар Бандлик бош бошқармаси марказий аппарати ходимларига белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартлари татбиқ этилади, шунингдек, кўп йиллик хизматлари учун устамалар қўлланилади.

13. Меҳнат институти Тошкент шаҳар Олмазор тумани, Умид кўчаси, 16-йй манзилида жойлашган Касб-хунарга ўқитиш маркази биносининг 2 ва 3-қаватларига текин фойдаланиш хуқуқи асосида жойлаштирилсин.


14. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иктисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари – иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Кўчкоров ҳамда Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири Н.Б. Хусанов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги хузуридаги Меҳнат бозори тадқиқотлари институтининг ТУЗИЛМАСИ



Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “30” сентябр даги 616-сон қарорига
2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазирлиги хузуридаги Меҳнат бозори
тадқиқотлари институти тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги хузуридаги Меҳнат бозори тадқиқотлари институтининг (кейинги ўринларда – Институт) хуқуқий мақомини, асосий вазифалари ва функцияларини, хуқуқ ва мажбуриятларини, шунингдек, фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Институт:

меҳнат бозори, иш билан таъминлаш, меҳнат муносабатлари, касбий малака ва билимларни ривожлантириш, меҳнатни муҳофаза қилиш ва меъёrlаш, меҳнат соҳасида кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича илмий-тадқиқот муассасаси;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Малакаларни баҳолаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва меҳнат бозорини малакали кадрлар билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 31 декабрдаги ПҚ-4939-сон қарори билан тасдиқланган Касбий малака ва билимларни ривожлантириш бўйича кенгашнинг ишчи органи ҳисобланади.

3. Институт ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Касбий малака ва билимларни ривожлантириш бўйича кенгаш қарорларига, Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири буйруқларига, ушбу Низомга ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига амал қиласи.

4. Институт ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига (кейинги ўринларда – Вазирлик) ҳисобот беради.

5. Институтнинг фаолияти Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

6. Институт давлат муассасаси шаклидаги юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга, штамп ва бланкаларга, мустақил балансга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилигига шахсий ғазна ҳисобваракларига эга бўлади.

7. Институтнинг расмий номи:

а) давлат тилида:

тўлиқ – Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги хузуридаги Меҳнат бозори тадқиқотлари институти;

қисқартмаси – Меҳнат институти;

б) инглиз тилида:

тўлиқ – Institute for Labor Market Research under the Ministry of Employment and Labor Relations;

қисқармаси – Labor institute;

в) рус тилида:

тўлиқ – Институт исследований рынка труда при Министерстве занятости и трудовых отношений Республики Узбекистан;

қисқартмаси – Институт труда.

8. Институт жойлашган жой (пошли манзили): Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Умид кўчаси, 16-йй.

2-боб. Институтнинг асосий вазифалари ва функциялари

9. Куйидагилар Институтнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

аҳоли бандлиги, шу жумладан, меҳнат миграцияси жараёнлари, меҳнат муносабатлари ва меҳнатга ҳақ тўлашни такомиллаштириш бўйича илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш;

меҳнат бозорининг ривожланиш тенденцияларини, унинг касбий-малака тузилмасини, меҳнат бозорининг малакали кадрларга бўлган эҳтиёжларини аниқлаш механизмларини такомиллаштириш;

касбий малака, билим ва қўникмалар миллий тизимида ўрганишлар ўтказиш ва ўрганиш натижаларига мувофиқ тизимни такомиллаштириш ишларини ташкил этиш;

меҳнат муҳофазаси ва гигиенасини такомиллаштириш бўйича илмий-амалий тадқиқотларни амалга ошириш;

меҳнатни меъёрлаш масалалари бўйича ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ишларни ташкил этиш.

10. Институт ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни бажаради:

а) аҳоли бандлиги, шу жумладан, меҳнат миграцияси жараёнлари, меҳнат муносабатлари ва меҳнатга ҳақ тўлашни такомиллаштириш бўйича илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиши соҳасида:

фундаментал ва амалий илмий тадқиқотлар ўтказишида ва устувор йўналишларни шакллантиришда, инновацион лойиҳаларни амалга оширишида, шунингдек, аҳоли бандлиги, меҳнат муносабатлари, касбга тайёрлаш ва меҳнатни

муҳофаза қилиш соҳаларида жаҳондаги замонавий тенденцияларни таҳлил қилишда иштирок этади;

аҳоли бандлигининг умумий кўрсаткичлари ва таркибини аниқлашга йўналтирилган амалий танланма ва ялпи (зарур ҳолларда) тадқиқотлар ўтказади ва ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси бўйича ва ҳудудлар кесимида иш билан бандлар ва ишсизларнинг ҳисоб-китоб миқдори тўғрисидаги ҳисботларни шакллантиради;

ташқи ва ички меҳнат миграцияси жараёнларини ўрганади, меҳнат миграциясининг асосий тенденциялари ва йўналишларини, шунингдек, қайтиб келган меҳнат мигрантлари ижтимоий мослашуви хусусиятларини аниқлайди;

иш берувчилар ва ходимлар ўртасида меҳнат муносабатларини такомиллаштириш бўйича сўровномалар ўтказади ва уларга асосланиб, бозор ислоҳотларини чукурлаштириш шароитида меҳнат муносабатларини тартибга солишини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

моддий рағбатлантириш ва меҳнатга ҳақ тўлаш механизмларининг самарадорлигини ўрганади, хорижий мамлакатлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, уларни такомиллаштириш ҳамда меҳнат унумдорлиги ва ишлаб чиқариш самарадорлиги билан алоқасини мустаҳкамлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

Вазирликка бандлик соҳасида қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва норматив-хуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш бўйича таклифлар тақдим этади;

меҳнат бозорини ривожлантириш ва аҳоли бандлигини оширишнинг асосий йўналишлари, стратегиялари, истиқболга мўлжалланган дастурларини ишлаб чиқишида иштирок этади;

ҳудудларда иш ўринларини ташкил этиш ва бандлик дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда мониторинг қилишда иштирок этади;

докторлик диссертациясини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш мақсадида меҳнат бозори ва ижтимоий-меҳнат муносабатларини чукур ўрганишни ва илмий изланишлар олиб боришини назарда тутадиган стажер-тадқиқотчилик, таянч докторантура, докторантура ҳамда мустақил изланувчанлик асосида илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлашда иштирок этади;

халқаро ташкилотларнинг буюртмаси бўйича ёки ҳамкорликда меҳнат ва аҳоли бандлиги соҳасида хорижий шериклар билан биргаликда илмий-тадқиқот лойиҳаларини амалга оширади;

б) меҳнат бозорининг ривожланниши тенденцияларини, унинг касбий-малака тузилмасини, меҳнат бозорининг малакали кадрларга бўлган эҳтиёжларини аниқлаши механизмларини такомиллаштириши соҳасида:

кадрлар тайёрлашга давлат буюртмасини шакллантириш жараёнида иш билан банд аҳолининг таркибидаги миқдор ва сифат ўзгаришларини ҳисобга олиб, кадрларга бўлган эҳтиёжни ўрганади ва прогноз қиласади;

бандлик даражаси ва тузилмасига таъсир қилувчи тенденциялар ва омилларни, меҳнат бозоридаги ўзгаришларни ўрганади;

инсон капитали, профессионал таълимни ва ходимларнинг малака даражаларини ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

меҳнат муносабатлари учун ижтимоий стандартлар ва меъёрларни ишлаб чиқишида иштирок этади;

меҳнат ресурсларининг прогноз балансларини, демографик ривожланишнинг ўрта ва узоқ муддатли прогнозларини тайёрлайди;

иш билан таъминлашнинг ҳудудий ва тармоқ дастурларини ижтимоий-иктисодий баҳолаш бўйича услубий ёндашувларни ишлаб чиқади;

меҳнат ва ахоли бандлиги соҳасидаги социологик тадқиқотларни, шунингдек, маҳаллий ва халқаро ташкилотлар буюртмаси билан бошқа дала тадқиқотларини ўтказади;

в) касбий малака, билим ва кўникмалар миллий тизимида ўрганишилар ўтказиши ва ўрганиши натижаларига мувофиқ таомиллаштириши ишларини ташкил этиши соҳасида:

меҳнат бозори мониторинги асосида тармоқларнинг малака ва билимларга бўлган эҳтиёжлари ва тенденцияларини ўрганади;

тармоқ малака доираларини ишлаб чиқади ва таомиллаштиради;

касбий стандартларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича фаолиятни мувофиқлаштиради;

норасмий ва информал ўқитишининг натижаларини тан олиш, валидация ва аккредитация (сертификатлаш) қилиш тизимини шакллантириш, шу жумладан малакаларни баҳолаш марказлари фаолиятини ташкил қилишда иштирок этади;

ёшларни касбга йўналтириш, профессиограмма ва ахборот материалларини ишлаб чиқиш ишларини ташкил этишида қатнашади;

тармоқ кенгашларининг, шу жумладан касбий стандартларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш борасидаги фаолиятини услубий, ташкилий ва ахборот жиҳатидан таъминлайди;

компетенцияларни баҳолаш бўйича фаолият билан шуғулланувчи юридик шахслар регистрини ҳамда тасдиқланган малакага эга шахслар миллий реестрини жорий этади, юритади ва ривожлантиришни ташкил этади;

тасдиқланган малакага эга шахсларни ҳақиқатда ушбу малакага мувофиқлиги даражасини ўрганади ва таҳлил қиласи;

тармоқ малакалар доиралари ва касбий стандартлардан келиб чиқсан ҳолда, Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификаторини, таълим тизими классификаторлари ва стандартларини таомиллаштириш ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашга оид меъёрларни белгилаш бўйича таклифлар тайёрлайди;

миллий малака тизими жорий этиш ва ривожлантириш бўйича амалга оширилган ишлар ҳолатини мониторингини амалга ошириш кўрсаткичлари тизими ва методикасини ишлаб чиқади;

миллий малака тизимининг ҳолати ва ривожланишининг мониторингини олиб боради;

миллий малака тизими иштирокчиларининг фаолиятини худудий меҳнат ва таълим бозорлари даражасида ташкил қилиш ва такомиллаштириш бўйича фаолиятини баҳолаш кўрсаткичлари ва индикаторлари рўйхатини шакллантиради;

бандлик ва меҳнат муносабатлари соҳаларида дастурлар, ўқув қўлланмалари, илмий асарлар тўпламлари, илмий-амалий конференциялар материаллари, методик кўрсатмалар, шунингдек, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш бўйича қўлланмалар ишлаб чиқади ва нашр этади;

г) меҳнат муҳофазаси ва гигиенасини такомиллаштириши бўйича илмий-амалий тадқиқотларни амалга ошириши соҳасида:

меҳнат муҳофазаси ва гигиенаси соҳасидаги илмни ривожлантириш стратегияси, устувор йўналишлари ҳамда уларни амалга оширишнинг ташкилий-молиявий механизmlари бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

меҳнат муҳофазаси, меҳнат гигиенаси ва меҳнат шароитларини яхшилаш соҳаларида давлат, тармоқ ва мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

меҳнат муҳофазаси ва меҳнат гигиенаси соҳасидаги давлат дастурларининг бажарилиши юзасидан тизимли мониторинг олиб боради, меҳнат муҳофазаси ва гигиенаси бўйича қонунчилик ва бошқа норматив хужжатларни тизимли равища хатловдан ўтказади;

меҳнат муҳофазаси соҳасидаги давлат бошқаруви асосларини белгиловчи норматив-хукуқий хужжатларни ишлаб чиқишида иштирок этади;

давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари билан биргаликда хавфсиз меҳнат стандартлари тизимини, меҳнат муҳофазаси ва меҳнат гигиенаси соҳасидаги тармоқлар норматив хужжатларни ишлаб чиқади;

иқтисодиёт тармоқларида ишлаб чиқаришдаги жароҳатланишларнинг сабабларини таҳлил қилиш асосида ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисалар ва қасб касалликларининг олдини олиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

саноат ва иш муҳитининг заарлилик даражасини баҳолаш, меҳнатни муҳофaza қилиш воситаларини синовдан ўтказиш, малакани баҳолаш методикаларини валидация (аттестация) қилиш;

шахсий ва жамоавий ҳимоя воситаларини сертификатлаш бўйича техник регламент соҳасидаги норматив хужжатларни ишлаб чиқади;

шахсий ва жамоавий, шу жумладан хорижда ишлаб чиқарилган ҳимоя воситаларини сертификатлашни амалга оширади, шунингдек тегишли сифат сертификатларини бёради;

меҳнат муҳофазаси ва гигиенаси соҳасида даврий равища кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлашни амалга оширади;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда меҳнат муҳофазаси ва гигиенаси соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш, уларнинг

малакасини ошириш режалари ҳамда жадваллари тасдиқланишини таъминлайди;

мехнат муҳофазаси ва гигиенаси бўйича ходимларни қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш учун ўқув-тематик режаларини, ўқув модулларини тайёрлайди ва тасдиқлайди;

мехнат муҳофазаси ва гигиенаси соҳасида кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлашдан ўтган кадрларнинг ягона ахборот-маълумот базасини яратади ва янгилааб боради;

бакалавриат ва магистратуранинг тегишли таълим йўналишларида янги ўқув дастурлари, дарслерлари, ўқув қўлланмалари яратишга кўмаклашиш орқали ўқув-методик ишларнинг сифати ва даражасини оширади;

бакалавр ва магистрларни тайёрлашда илмий-методик жиҳатдан кўмаклашади, шунингдек, Институт базасида меҳнат муҳофазаси ва гигиенасининг тегишли соҳаларида олий таълимдан кейинги таълим институтини ташкил этиш йўли билан юқори малакали илмий-педагогик кадрлар тайёрлашни амалга оширади;

мехнат муҳофазаси ва гигиенаси соҳасида мутахассислар тайёрловчи таълим муассасалари учун илмий, ўқув, ўқув-методик адабиётларнинг янги авлодини нашр этишга тайёрлаш ишларида иштирок этади;

д) меҳнатни меъёrlash масалалари бўйича ҳужжатларни ишлаб чиқиши ва амалга ошириши бўйича ишларни ташкил этиши соҳасида:

ташкилотлар буюртмаларига биноан шартнома асосида меҳнатни меъёrlash бўйича норматив ҳужжатларни ишлаб чиқади, экспертизадан ўtkазади ва амалга оширади;

Вазирликка бандлик ва меҳнат муносабатлари бўйича норматив ҳужжатлар лойиҳаларини давлат рўйхатидан ўtkaziш учун киритади, тегишли норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиша ва илмий-методик кўrsатмалар беришда кўмаклашади;

умумий ва маҳсус техник регламентларни ишлаб чиқиша иштирок этади;

меҳнатни меъёrlash бўйича норматив ҳужжатлар фондини яратади, юритади ва янгилайди;

меҳнатни меъёrlash бўйича норматив ҳужжатлар ахборот ресурслари маълумотлар базаларини шакллантириш, саклаш ва улардан фойдаланишининг ягона тизимини яратади;

меҳнатни меъёrlash бўйича норматив ҳужжатларни ишлаб чиқувчилар билан ўзаро ҳамкорлик қиласи;

давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари ҳамда манфаатдор томонларнинг таклифларини инобатга олган ҳолда, меҳнат меъёrlарини ишлаб чиқиши ва қайта кўриб чиқишининг йиллик графикларини шакллантиради.

3-боб. Институтнинг хуқуқлари ва жавобгарлиги

11. Институт ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуидаги хуқуқларга эга:

давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмаларидан унга юкланган вазифаларни бажариш учун зарур бўлган ахборотни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

Институтга юкланган вазифаларни бажариш учун давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари, шу жумладан, хорижий ташкилотларни шартнома асосида жалб қилиш;

ўз ваколатларини бажариш доирасида халқаро, минтақавий ва хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликни, шу жумладан, ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш;

аҳоли бандлигини яхшилаш ва меҳнат бозорини ривожлантиришнинг долзарб ва истиқболли вазифаларини ҳал қилиш учун ташкил этилган ишчи групкалар йиғилишларида иштирок этиш;

касбий малака ва билимларни ривожлантириш бўйича тармоқлар ва худудий кенгашларнинг ишчи групкалари йиғилишларида ҳамда мажлисларида, бандлик, меҳнат муносабатлари, касбий малака ва билимларни ривожлантириш, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги эксперталар кенгаши ҳамда комиссиялари, шунингдек, минтақавий ва халқаро ташкилотлар ишларида иштирок этиш;

бандлик ва меҳнат муносабатлари, меҳнатни муҳофазаси ҳамда кадрлар салоҳияти, билим ва кўникмаларни ривожлантириш соҳаларида халқаро лойиҳалар ва дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш;

бандлик ва меҳнат муносабатлари, меҳнатни муҳофазаси ҳамда касбий малака ва билимларни ривожлантириш соҳаларида ноширлик, илмий-техник ахборотни тарқатиш фаолиятини амалга ошириш;

ташкилотларнинг буюртмалари бўйича бандлик ва меҳнат муносабатлари соҳасида шартномалар асосида норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш, таржима қилиш, жорий қилишни амалга ошириш;

бандлик ва меҳнат муносабатлари, меҳнатни муҳофазаси ҳамда касбий малака ва билимларни ривожлантириш масалалари бўйича илмий-амалий конференциялар, семинарлар, форумлар, давра суҳбатлари ва Институт ваколатига тааллуқли бошқа масалалар бўйича жамоатчилик тадбирларини ўтказиш;

касбий малакалар, билим ва кўникмаларни ривожлантириш миллий тизими бўйича юклатилган вазифаларни бажаришга вазирликлар, идоралар, таълим, илмий ва бошқа муассасалар, шунингдек давлат ташкилотларидан мутахассисларни жалб қилиш;

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси, Вазирлик ҳамда Инновацион ривожланиш вазирлиги билан келишган ҳолда, илмий даражалар беришга ихтисослашган кенгаши ташкил этиш.

Институт қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа хуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

12. Институт ўзига юкланган вазифаларнинг самарали бажарилиши учун жавоб беради.

5-боб. Институт фаолиятини ташкил этиш

13. Институт ўз фаолиятида бевосита Вазирликка бўйсунади ва унга ҳисобот беради.

14. Институт фаолиятига Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган директор раҳбарлик қилади.

15. Институт директори:

Институт ваколатига кирадиган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилади ҳамда Институтга юкланган вазифалар ва функциялар амалга оширилиши учун шахсан жавоб беради;

Институтда илмий-тадқиқот ва илмий-методик ишлар олиб бориш учун шарт-шароитлар яратади;

Институт илмий кенгашининг тавсиялари асосида ўкув-мавзули режалар, дастурлар ва илмий-методик ишлар режаларини тасдиқлайди;

Институт фаолиятини янада такомиллаштиришга тааллуқли концепциялар, дастурлар ва комплекс тадбирларнинг бажарилишини танқидий ва чуқур таҳлил қилади;

Институт ва Меҳнатни меъёрлаш маркази ходимлари, шунингдек, Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида малака ошириш курслари тингловчилари учун бажарилиши мажбурий бўлган буйруқлар, фармойишлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

ходимларнинг белгиланган умумий сони доирасида Институтнинг штат жадвали ва харажатлар сметасини тасдиқлайди;

Институт ходимларини белгиланган тартибда лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади;

Институт номидан хўжалик шартномалари тузади, ишончномалар беради;

Вазирлик билан келишган ҳолда ишларнинг ҳақиқий ҳажмидан келиб чиқиб, зарур бўлганда, Институтнинг тузилмаси ва штатдаги ходимлар сонига ўзгартиришлар киритади (бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан молиялаштириладиган тузилмалар ва штат бирликлари юзасидан).

Директор қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга оширади.

16. Институт директори Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда, Вазирлик томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган уч нафар, шу жумладан бири Меҳнатни меъёрлаш маркази директори ҳисобланадиган ўринбосарга эга бўлади.

17. Директор ўринбосарлари:

таркибий бўлинмалар фаолиятига бевосита раҳбарлик қиласи, ушбу бўлинмаларга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилишини ташкил этади;

Вазирлик қарорлари ва буйруқларини, Институт директори буйруқлари ва топшириқларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлайди;

таркибий бўлинмаларга юкланган вазифалар бажарилишини назорат қиласи ва мувофиқлаштиради;

таркибий бўлинмалар фаолиятига таалужли масалалари бўйича қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади ва уларни кўриб чиқиш учун директорга тақдим этади;

директорга Институтнинг таркибий бўлинмаларида ходимларни танлаш ва жой-жойига қўйиш бўйича таклифлар беради, уларнинг касбий маҳоратини, малакасини, амалий тажрибасини, ишчанлик ва руҳий-ахлоқий фазилатларини юқори даражада таъминлаш, касбий малакаларини ривожлантириш, таркибий бўлинмаларда кадрлар захирасини шакллантириш;

Институт таркибий бўлинмалари ходимлари фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини тизимли танқидий таҳлил қилиш, йиғилишларда уларнинг шахсий ҳисботларини эшитиш, муҳокамалар якунлари бўйича зарур чоратадбирлар кўришни ташкил этади.

18. Директор бўлмаган даврда унинг ваколатларини директорнинг биринчи ўринбосари амалга оширади.

19. Институт хузурида директор, фаолиятнинг асосий йўналишларини мувофиқлаштирувчи унинг ўринбосарлари (лавозимига кўра), Институт таркибий бўлинмалари раҳбарлари, Фанлар академияси вакиллари, шунингдек, турдош илмий-тадқиқот институтларида ва ташкилотларда ишлайдиган етакчи олимлар, малакали мутахассислардан иборат таркибда Илмий кенгаш ташкил этилади.

Илмий кенгаш ишини Илмий кенгашнинг илмий котиби ташкил этади.

Илмий кенгаш:

Институт томонидан амалга ошириладиган илмий-тадқиқот ишлари дастурлари, режалари ҳамда тематикасини кўриб чиқади ва маъқуллайди;

лойиҳалар ва лабораториялар раҳбарларининг амалга оширилаётган ишларнинг бориши ва натижалари ҳақидаги ҳисботларини эштади, ўтказилган илмий-тадқиқот ишларининг натижалари ва сифатига, уларни амалиётга жорий қилиш борасида йил якунлари бўйича баҳо беради;

ҳисбот даврида лойиҳалар (лабораториялар) фаолияти натижаларини баҳолаш асосида лойиҳалар доирасидаги тадқиқотларни давом эттириш ёки лойиҳаларни ёпиш тўғрисида қарор қабул қиласи;

Институт жорий фаолиятини молиялаштиришнинг чекланган меъёрларини аниқлайди, Институт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантиришнинг чекланган миқдорларини белгилайди;

Илмий кенгашнинг иш тартиби Институтнинг иш режаларига мувофиқ ташкил этилади.

20. Институт илмий котиби:

Илмий кенгаш фаолиятини мувофиқлаштириш ва ахборот-таҳлил бўйича таъминлашни амалга оширади;

илмий-тадқиқот ишларининг дастурлари ва режаларини ишлаб чиқиши ташкил этади, тадқиқотларга ўз вақтида ва сифатли тайёргарлик кўришни назорат қиласди;

Институтнинг мамлакат ва хориж илмий-тадқиқот муассасалари билан алоқалар ўрнатишни амалга оширади;

Институт ходимларининг таҳлилий ва ахборот материаллари билан ишлаш методикаси бўйича ўқув машғулотларини ташкил қиласди.

Илмий котиб лавозимга Институт директори томонидан тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

21. Институт тадқиқотларининг энг муҳим йўналишлари бўйича тузилган лойиҳалар ва лабораториялар Институтнинг асосий таркибий бўлинмалари ҳисобланади.

Илмий-тадқиқот лойиҳаларини (лабораторияларини) юқори малакали мутахассислар, биринчи навбатда, иқтисодиёт соҳасидаги вазирлик ва идораларда, илмий-тадқиқот ташкилотларида иш тажрибасига эга бўлган мутахассислар орасидан танлаб олиб тайинланган раҳбарлар бошқаради.

Лойиҳа раҳбарлари лавозимига Институт директори томонидан тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

Илмий лойиҳалар бандликка кўмаклашиш, меҳнат муносабатларини ривожлантириш, меҳнат бозорини, меҳнатни муҳофаза қилишни, касбий стандартларни ва малакани ривожлантириш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, меҳнат миграцияси бўйича энг долзарб муаммоларни ҳал қилиш учун ташкил этилади ҳамда уларга қўйилган вазифаларни бажаргандан сўнг тарқатиб юборилади.

22. Институт таркибida ихтисослашган тадқиқот бўлинмалари билан бир қаторда меҳнатни меъёрлаш маркази, илмий-ёрдамчи, техник, маъмурий-хўжалик бўлинмалари ва бошқа хизматлар фаолият юритади.

23. Муайян тадқиқотларни амалга ошириш учун Институт фуқаролик-хуқуқий шартнома асосида юқори малакали мутахассисларни, шу жумладан, хорижий мутахассисларни жалб қилиши мумкин.

6-боб. Ходимларни моддий рағбатлантириш шакллари ва тизими

24. Ходимларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, Институт маъмурияти билан ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг меҳнат

тўғрисидаги қонунчилиги, Институтнинг ички тартиб-қоидалари, бошқа норматив ҳужжатлар, жамоа шартномаси, индивидуал меҳнат шартномалари ҳамда мазкур Низомга асосланиб, тартибга солинади.

25. Институт ходимларига ушбу Низомга иловага мувофиқ Вазирлик марказий аппарати ходимлари учун таққосланадиган лавозимлар бўйича белгиланган иш ҳақи, мукофот ва моддий ёрдам шароитлари татбиқ этилади, шунингдек, уларга ишлаган даври учун устама тўланади.

Меҳнат институти ходимлари ва жалб қилинган мутахассислар учун бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан иш ҳақи фондининг 50 фоизи миқдорида моддий рағбатлантириш учун маҳсус маблағлар ажратилади.

Алоҳида ўrnак кўrsatgan ходимларни моддий рағбатлантириш учун моддий рағбатлантиришнинг маҳсус фонди ҳисобидан уларнинг лавозим маошининг икки баравари миқдоригача мукофот тўланади.

26. Институт ходимлари лойиха раҳбарлари (лабораториялар) ва бошқа таркибий бўлинмалар таклифлари асосида Илмий кенгаш билан келишган ҳолда мукофотланади.

27. Институт Вазирлик билан келишилган ҳолда раҳбар, илмий-ёрдамчи, илмий, техник ва хизмат кўrsatuvchi ходимларнинг штат жадвалини тасдиқлайди, амалдаги қонунлар ва норматив ҳужжатларга асосланган ҳолда ходимларни моддий рағбатлантириш тизими ва шаклларини белгилаб беради.

7-боб. Марказнинг мулки ва молиявий маблағлари

28. Институт мулки асосий фондлардан (бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари ва бошқалар), айланма маблағлардан, шунингдек, молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобига сотиб олинган молиявий ресурслар ва бошқа моддий бойликлардан иборат бўлади. Институт мулкининг қиймати унинг мустақил балансида акс эттирилади.

29. Институт белгиланган тартибда ўзига бириктирилган мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳукуқини амалга оширади. Институт унга туташ ер майдонига эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳукуқига эга.

30. Институтнинг интеллектуал мулк объектлари жумласига барча тадқиқот материаллари (илмий концепция ва ҳисботлар, таҳлилий маълумотномалар, нашрлар, тадқиқот натижалари, прогноз баҳолари, рефератив, услубий-инструктив материаллар, дастурий маҳсулотлар ва институт маълумотлар базалари ва бошқалар), шунингдек, Институт буюртмаси асосида ижрочи ташкилотлар томонидан шартномалар асосида олиб борилган тадқиқотлар киради. Интеллектуал мулк ҳусусиятига қараб, унга бўлган ҳукуқ Институтга, муаллифлар гуруҳига ёки Институт тадқиқотчисига тегишли бўлиши мумкин.

Институтда интеллектуал мулк ҳукуқининг тақсимланиши директор томонидан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатлари ва халқаро шартномаларига мувофиқ белгиланади.

31. Институт маблағлари қуйидагилар ҳисобидан шакллантирилади:

жорий сақлаш ва моддий-техник базани ривожлантириш, ахборот босма нашрларига, шу жумладан, чет эл нашрларига обуна ташкил этиш ва Институтнинг бошқа эҳтиёжлари учун Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасидан ажратилган маблағлар;

грант танловлари натижалари бўйича ажратилган маблағлар;

вазирликлар, идоралар ва банкларнинг буюртма-аризалари бўйича тадқиқотлар учун ажратилган маблағлари;

халқаро молия институтлари ва донорлик ташкилотларининг грантлари;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик хужжатлари доирасида, Институтнинг ўз фаолияти, шу жумладан тижорат банкларидаги депозитларга пул маблағларини жойлаштиришдан олинадиган даромадлар;

банк ва бошқа кредиторлар кредитлари;

қонунчилик хужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

32. Иқтисодий, илмий-техник ва бошқа хўжалик ҳисобидан олиб бориладиган фаолият учун, шунингдек, хайрия, ҳомийлик ва беғараз тушумлар орқали олинган мол-мулк ва маблағлар Институт мулкидир.

33. Институт ўзига тегишли бўлган асосий воситалар, муомаладаги активлар ва бошқа моддий бойликларни белгиланган тартибда сотиш, бошқа корхона, ташкилот ва муассасаларга ўтказиш, алмаштириш, ижарага бериш, вақтинча фойдаланиш ёки қарз олиш учун бепул бериш, шунингдек, уларни балансдан чиқариш ҳуқуқига эга.

34. Институт ихтиёрида қолган фойда Институтнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва зарур жамғармаларни шакллантириш учун сарфланади. Институт жамғармаларига пул маблағларни киритиш меъёрлари, ҳажми ва тартиби Институт директори томонидан тасдиқланадиган Жамғармалар тўғрисидаги низом билан белгиланади.

8-боб. Институт фаолиятини баҳолаш мезонлари ҳамда унинг фаолияти самарадорлиги ва натижадорлиги ишчи индикаторлари

35. Институт фаолияти самарадорлиги мунтазам равишда баҳоланишдан ўтказилади.

36. Институт фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан тасдиқланадиган Институт фаолиятини баҳолаш мезонларига ҳамда унинг фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини аниқловчи ишчи индикаторларга асосланади.

37. Институт фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш якунлари бўйича:

Институт раҳбарлари ва ходимларига нисбатан рағбатлантириш (тақдирлаш) ёки интизомий жавобгарлик чоралари белгиланади;

Институт фаолиятида аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва унинг фаолиятини янада такомиллаштириш чоралари қўрилади.

38. Институт фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш тартиби ва методикаси Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан белгиланади.

9-боб. Якунловчи қоида

39. Институт қонунчилик хужжатларига мувофиқ қайта ташкил этилади ва тугатилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил "30" сентябр даги 616-сон қарорига
3-илова

**Касбий малака ва билимларни ривожлантириш бўйича
тармоқ кенгашлари тўғрисида
НАМУНАВИЙ НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Намунавий низом Касбий малака ва билимларни ривожлантириш бўйича тармоқ кенгашлари (кейинги ўринларда – Тармоқ кенгashi) фаолият юритишининг тартибини белгилайди.

2. Тармоқ кенгashi ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг Тармоқ кенгashi фаолиятига тааллуқли қарорлари, шунингдек, хузурида Тармоқ кенгashi ташкил этилган давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмаларининг (кейинги ўринларда – масъул ташкилот) тегишли фармойишлари ва қарорлари асосида амалга оширади.

3. Тармоқ кенгашнинг фаолияти Касбий малака ва билимларни ривожлантириш бўйича кенгаш (кейинги ўринларда – Республика кенгashi) томонидан мувофиқлаштирилади.

4. Тармоқ кенгashi тўғрисидаги низом, унинг таркиби ва фаолиятининг регламенти масъул вазирлик (идора) томонидан Республика кенгashi билан келишган ҳолда тасдиқланади.

**2-боб. Тармоқ кенгашининг вазифалари, функциялари,
хуқуқлари ва мажбуриятлари**

5. Куйидагилар Тармоқ кенгашининг вазифалари ҳисобланади:

меҳнат бозори мониторинги асосида тармоқларнинг малака ҳамда билимларга бўлган эҳтиёжлари ва тенденцияларини аниқлаш;

тармоқлар малака доираларини ишлаб чиқиш, жорий этиш ва такомиллаштириш;

касбий стандартларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар фаолиятни мувофиқлаштириш;

норасмий ва информал ўқитишнинг натижаларини тан олиш, валидация ва аккредитация (сертификатлаш) қилиш тизимини шакллантириш, шу жумладан, малакаларни баҳолаш марказлари фаолиятини ташкил қилиш;

ёшларни касбга йўналтириш ва ахборот материалларини ишлаб чиқиш ишларини ташкил этиш;

тармоқ малакалари доиралари ва касбий стандартлардан келиб чиқсан ҳолда, Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчи касблари классификаторини такомиллаштириш.

6. Мазкур вазифаларни бажариш учун Тармоқ кенгаши күйидаги функцияларни амалга оширади:

а) ҳар йили камида икки марта меҳнат бозори мониторингини ташкил қиласди, тармоқда касбий малакалар ва кўнимкамалар бўйича меҳнат бозори эҳтиёжларини таъминлаш ишларини мувофиқлаштиради;

б) касбий фаолиятнинг тегишли соҳалари бўйича касбий стандартлар ва тариф-малака талабларини ишлаб чиқиш ва янгилашни мувофиқлаштиради ҳамда касбий стандартлар лойиҳаларининг жамоатчилик мухокамасини ташкил этади;

в) айнан шу тармоққа хос бўлган касбий фаолият турлари бўйича малакани холис, профессионал баҳолашни мувофиқлаштиради, шу жумладан:

малакаларни баҳолаш марказлари (МБМ) вазифаларини бажариш учун ташкилотларни танлаб олиш, уларга малакаларни холис баҳолаш бўйича ваколатлар бериш ҳамда танлаш ва ваколатлар бериш жараёнида улар томонидан тақдим этилган маълумотларни текширишни;

ҳар бир малакаларни баҳолаш маркази учун малакалар холис баҳоланадиган касб малакасининг номини белгилашни;

тегишли малакалар бўйича баҳолаш воситаларини ишлаб чиқиш ва уларнинг экспертизадан ўтказилишини;

малакаларни баҳолаш марказлари фаолиятини назорат қилишни;

малакаларни баҳолаш натижаларига алоқадор шикоятларни кўриб чиқиш бўйича апелляция комиссиясини тузиш ва унинг фаолиятини йўлга қўйишини;

малакаларни холис баҳолаш тўғрисидаги ахборотни тегишли маълумотлар реестрига жойлаштиришни ташкил этади;

г) умумтаълим ва профессионал таълим муассасаларида касбга йўналтириш тадбирларини амалга оширишни мувофиқлаштиради;

д) таълим муассасаларига дуал таълим усулида ўқитиш, шу жумладан, талabalар ва ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш масалалари бўйича кўмаклашади;

е) касбий фаолиятнинг турлари бўйича малакалар ва кўнимкамаларни ривожлантириш тенденцияларидан келиб чиқиб, Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчи касблари классификаторига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ва меҳнатга ҳақ тўлашга оид меъёрларни аниқлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқади.

ж) тармоқ кенгаши фаолияти ҳақидаги маълумотларни акс эттирган ва умумфойдаланишга мўлжалланган ахборот ресурсларини шакллантиради;

3) Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, таълим муассасалари билан касбий малакалар ва кўникмалар бўйича ўзаро ҳамкорликни ташкил этади.

7. Тармоқ кенгаши қўйидаги хукуқларга эга:

тармоқ кенгаши кўриб чиқадиган масалалар бўйича эксперталарни ўз ишига жалб қилиш, ўз олдида турган вазифаларни ҳал қилиш учун уларнинг таркибида секциялар, комиссиялар ва ишчи гурухлар тузиш;

давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмаларидан, бошка ташкилотлардан, ишсиз ва банд бўлмаган аҳолини касбга ўқитиш марказларидан, компетенцияни баҳолаш марказларидан вазифаларни бажариш учун зарур бўлган маълумотларни сўраб олиш;

ўз мажлисларига професионал таълим муассасалари, ишсиз ва банд бўлмаган аҳолини касбга ўқитиш марказлари, компетенцияни баҳолаш марказлари раҳбарларини, давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари вакилларини таклиф қилиш.

Тармоқ кенгашига давлат бошқаруви органи ва хўжалик бирлашмаси томонидан ваколати доирасида бошқа хукуқлар берилиши ҳам мумкин.

Тармоқ кенгаши қонунчилик хужжатларида белгиланган бошка хукуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

8. Тармоқ кенгаши қўйидаги мажбуриятларга эга:

Республика кенгашига тегишли тақвим йилидаги фаолияти тўғрисида ҳар йили ахборот тақдим этиш;

малакаларни баҳолаш марказлари ташкил этилгани ва тугатилгани тўғрисидаги ахборотни Республика кенгашига тақдим этиш;

ўз фаолияти бўйича архив ишларини ва иш юритишни ташкил этиш.

З-боб. Тармоқ кенгаши фаолиятини ташкил этиш

9. Тармоқ кенгаши таркибига тегишли давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари, иш берувчилар ва уларнинг бирлашмалари, професионал ҳамжамиятлар, таълим ва илмий муассасалар, касаба ўюшмалари тармоқ кенгашлари вакиллари киради.

Тармоқ кенгаши таркибига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 31 декабрдаги ПҚ-4939-сон қарори билан тасдиқланган Касбий малака ва билимларни ривожлантириш бўйича тармоқ кенгашлари, шунингдек, уларнинг фаолиятини ташкил этиш учун масъул вазирлик, идора, таълим ва илмий муассасалар рўйхатига мувофиқ тасдиқланган таълим ва илмий муассасалар вакиллари ҳам киритилади.

10. Тармоқ кенгаши раис, раис ўринбосари, Тармоқ кенгаши аъзолари ва котибидан иборат.

Масъул вазирлик (идора) раҳбари ёки унинг ўринбосарларидан бири Тармоқ кенгаши раиси ҳисобланади.

Масъул вазирлик (идора)нинг бошқа вазифаларни бажаришдан озод қилинган ва умумий штат бирликлари сони доирасида меҳнатга ҳақ тўлаш шароити бўйича мустақил бўлим бошлиғига тенглаштирилган ходими Тармоқ кенгаши котиби этиб тайинланади.

11. Тармоқ кенгаши аъзолари сони ва унинг таркиби Республика кенгаши билан келишилган ҳолда шакллантирилади ва тасдиқланади.

12. Тармоқ кенгаши мажлислари заруратга қараб, бироқ ҳар чоракда камида бир марта ўтказилади.

Тармоқ кенгаши мажлисида унинг аъзоларининг камида ярми иштирок этса, ваколатли ҳисобланади.

Тармоқ кенгаши аъзоси тармоқ кенгашининг мажлисларида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб қатнашиш, шунингдек, кун тартибидаги масалалар бўйича ўз мулоҳазаларини олдиндан юбориб, тақдим этиш хуқуқига эга.

Тармоқ кенгаши қарорлари мажлис иштирокчиларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинган ҳисобланади.

Алоҳида ҳолларда, тармоқ кенгаши раисининг қарорига мувофиқ қарорлар мажлис ўтказилмасдан, сиртдан овоз бериш йўли билан қабул қилиниши ҳам мумкин.

13. Тармоқ кенгаши томонидан қабул қилинган қарорлар баён билан расмийлаштирилади ва раис ҳамда котиб томонидан имзоланади.

14. Тармоқ кенгаши фаолиятига унинг раиси раҳбарлик қиласи. Куйидагилар тармоқ кенгаши раисининг вазифаларига киради:

Тармоқ кенгаши мажлисларини чақириш ва унинг фаолиятини ташкил этиш;

мажлислар кун тартибини тасдиқлаш;

тармоқ кенгашига юклangan вазифаларни бажариш учун комиссиялар ва ишчи гуруҳлар фаолиятини мувофиқлаштириш;

тармоқ кенгашининг Республика кенгаши, манфаатдор вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлигини ташкил этиш.

15. Тармоқ кенгаши котиби қуйидаги асосий вазифаларни бажаради:

иш юритишни ва архив юритишни амалга оширади, тармоқ кенгаши аъзоларига зарур материалларни юборади;

тармоқ кенгашига келаётган, шу жумладан, тармоқ кенгаши иш режасини шакллантириш ва амалга ошириш масалалари бўйича материалларни ва таклифларни умумлаштиради;

Тармоқ кенгаши аъзоларига Тармоқ кенгаши ишига тааллуқли бўлган маълумотларни етказиб беради;

Тармоқ кенгаши мажлисларини чақиришни таъминлайди;

Тармоқ кенгаши мажлисларида масофадан туриб иштирок этаётган кенгаши аъзолари билан алоқани таъминлайди, шунингдек, сиртқи овоз бериш ҳолларида Тармоқ кенгаши аъзолари кун тартибидаги масалалар бўйича берган овозларини ҳисобга олади;

Тармоқ кенгашнинг Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Меҳнат бозори тадқиқотлари институти ваколатига кирадиган масалалар, шу жумладан, зарур материаллар ва хужжатларни экспертиза учун тақдим этиш бўйича доимий ўзаро ҳамкорлигини таъминлайди;

экспертлар, манфаатдор таълим ва илмий муассасалар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

16. Тармоқ кенгаши ўз фаолиятини самарали амалга ошириш мақсадида касбий стандартлар, малакаларни баҳолаш, меҳнат бозорини таҳлил қилиш, таълим сифатини ўрганиш ва Тармоқ кенгаши фаолиятининг бошқа асосий йўналишлари бўйича ишчи экспертлар гурухларини ташкил этишга ҳақли.

17. Ўз фаолиятида ошкоралик ва очиқликни таъминлаш мақсадида Тармоқ кенгаши тегишлилига кўра масъул вазирлик (идора)нинг расмий сайтида ўз фаолияти ва қабул қилинган қарорлар тўғрисидаги маълумотларни жойлаштиради.

18. Тармоқ кенгаши аъзоларига ҳақ тўланмайди.

19. Тармоқ кенгаши ишига жалб қилинган (Тармоқ кенгаши аъзоси бўлмаган) экспертлар меҳнатига ҳақ тўлаш фуқаролик-ҳуқуқий кўринишдаги шартномаларга кўра амалга оширилади. Бундай ҳолларда масъул вазирлик (идора) буюртмачи томон ҳисобланади.

4-боб. Тармоқ кенгашига бириктирилган таълим ва илмий муассасаларнинг асосий вазифалари

20. Тармоқ кенгашининг доимий ишчи органи соҳага оид илмий-тадқиқот ва таълим ташкилотлари, йирик тармоқ корхоналари, ходимлар билан ишлаш бўйича тузилмалар бўлиши мумкин. Доимий ишчи орган:

Тармоқ кенгашининг илмий-методик таъминотини амалга оширади;

малакаларни баҳолаш учун баҳолаш воситаларини экспертиздан ўтказади;

Тармоқ кенгаши фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича таклифлар ишлаб чиқади ва тақдим этади;

меҳнат бозорини мониторинг қилишда, унинг касб малакаси ва кўникмаларига бўлган эҳтиёжини қондиришда иштирок этади;

ёшларни касбга йўналтириш усулларини синовдан ўтказади ва жорий қилади;

Тармоқ кенгаши буюртмаларига ва топшириқларига кўра ўз ваколатига кирувчи бошқа функцияларни бажаради.

21. Тармоқ кенгашининг топшириқларини бажариш биритирилган таълим ва илмий ташкилотлар учун мажбурий ҳисобланади.

22. Таълим ва илмий ташкилотларнинг тармоқ кенгаси билан молиявий-хўжалик муносабатлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Малакаларни баҳолаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва меҳнат бозорини малакали кадрлар билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 31 декабрдаги ПҚ-4939-сон қарорига мувофиқ амалга оширилади.

5-боб. Якунловчи қоидалар

23. Тармоқ кенгашининг фаолияти масъул ташкилот маблағлари ва қонунчилик хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

24. Тармоқ кенгаси фаолиятини ташкил этиш учун масъулият тегишли ташкилот раҳбари зиммасига юкланди.

Вазирлар Махкамасининг
2021 йил “30 сентябр” даги 616-сон қарорига
4-илова

Малакани баҳолаш маркази тўғрисида НАМУНАВИЙ НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Намунавий низом Малакани баҳолаш марказига қўйиладиган намунавий талабларни, малакани баҳолаш марказлари фаолиятини ташкил этиш тартибини, уларнинг мақсад ва вазифаларни, хуқуқ ва мажбуриятларни ҳамда малакани баҳолаш марказларининг намунавий тузилмасини белгилайди.

Малакани баҳолаш маркази ўз фаолиятини ушбу намунавий низом ва Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Махкамасининг қарорлари ва фармойишларига асосан амалга оширади.

2. Ушбу Намунавий низомда қўйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

баҳолаш воситалари – касбий имтиҳонни ўтказишида Малакани баҳолаш маркази томонидан қўлланиладиган топшириқлар ва баҳолаш мезонлари мажмуи;

малакани баҳолаш маркази – талабгорлар малакаларини холис баҳолаш бўйича фаолиятни амалга оширувчи юридик шахс (ёки юридик шахснинг таркибий бўлинмаси);

малака – ходим ёки ишга (касбга) талабгор билими, маҳорати ва кўникмаларининг тегишли касб ва мутахассислик бўйича аниқ меҳнат функцияларни сифатли бажаришга тайёргарлик даражаси, унинг маълумот тўғрисидаги тегишли хужжат билан тасдиқланадиган билим, маҳорат ва кўникмалар савияси;

малака даражаси (малакавий даражада) – ходим ёки ишга (касбга) талабгорнинг тайёргарлиги ва кўникмалари даражаси бўйича меҳнат функцияларининг мураккаблиги, уларни мустақил бажариш ва натижалар учун масъулият параметрлари бўйича белгиланадиган тоифаланган талаблар мажмуаси;

малака паспорти – малакани баҳолаш маркази томонидан бериладиган, ишчиларга малака разрядларини ва мутахассисларга малака тоифаларини бериш бўйича касб стандартида (ёки малака талабида) назарда тутилган тегишли малака даражасининг берилгани ва компетенциянинг ижобий баҳоланганини тасдиқловчи, миллий малакалар доираси

даражаларига мувофиқ лавозимларни эгаллаш ва меҳнат фаолиятини амалга ошириш хуқуқини берадиган компетенция тўғрисидаги сертификат;

малака имтиҳони – талабгорнинг касбий билим, кўникма ва маҳоратини баҳолаш усули. Малака имтиҳони “касб имтиҳони” деб ҳам юритилиши мумкин;

талабгор (ходим ёки ишга (касбга) талабгор шахс) – ишга жойлашиш ёки лавозимда ривожланиш ёки ушбу Намунавий низомга мувофиқ тартибда ўзининг касбий компетенцияларини тасдиқлаш мақсадида Малакани баҳолаш марказига мурожаат қилган, касбий фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган компетенция тасдифини олишни хоҳловчи жисмоний шахс;

Тасдиқланган малакага эга шахслар миллий реестри – ишчи касблар ва мутахассислар тоифалари бўйича тасдиқланган касбий компетенцияларга эга жисмоний шахслар тўғрисидаги доимий янгиланадиган маълумотлар базаси.

3. Малакани баҳолаш маркази ўз томонидан бериладиган малака паспортининг ҳақиқийлигини аниқлаш имкониятини берувчи ўзининг тўлиқ номига, шунингдек, муҳрига (ёки QR-кодига) эга бўлиши шарт.

4. Малакани баҳолаш маркази ўз фаолиятини амалга ошириш учун қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда аккредитациядан ўтади.

2-боб. Малакани баҳолаш марказининг асосий вазифалари, функциялари, хуқуқлари ва мажбуриятлари

5. Малакани баҳолаш марказининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

талабгорларнинг, ўзлаштириш усулидан қатъи назар, меҳнат бозорида талаб этилган касб компетенцияларини баҳолаш;

ишга қабул қилишда, касб-лавозим тузилмасида ўсишда талабгорларнинг касб компетенциялари талабларига ва касб стандартларига мослигини тасдиқлаш;

касб малакалари бўйича норматив хужжатлар ва стандартлар бўйича таклифлар тайёрлаш ва уларни ишлаб чиқишида иштирок этиш;

тегишли тармоқ ёки корхонада ишлайдиган муайян лавозимларни эгаллаб турган ходимларга нисбатан аниқ ва тўғри талабларни шакллантирадиган ҳар бир компетенция ривожланишининг мос шкаласи ва аниқ хулқ индикаторларини белгилаган ҳолда, компетенцияларнинг самарали моделларини ишлаб чиқиши ва жорий этиш;

касб компетенциялари ва ишбилармонлик сифатларини ривожлантиришнинг корпоратив дастурларини ишлаб чиқиши;

талабгорнинг мавжуд малакасини аниқлашда, холисликни таъминлаш механизmlарини жорий этиш.

Тармоқларнинг иқтисодий ривожланиш тенденцияларидан келиб чиқиб, Малакани баҳолаш марказига, унинг ваколатлари доирасида янги вазифалар ҳам белгиланиши мумкин.

7. Малакани баҳолаш маркази ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуидаги функцияларни амалга оширади:

а) талабгорларнинг, ўзлаштириши усулидан қатъи назар, меҳнат бозорида талаб этилган касб компетенцияларини баҳолаш соҳасида:

талабгорларга малакани ҳаққоний, холис ва шаффоф баҳолашнинг қоидалари ва тартиб-таомиллари тўғрисида зарур ахборот тақдим этади;

шахснинг интеллектуал ва касбий ривожланиш даражасини мустақил аниқлаш ва тасдиқлашга бўлган эҳтиёжини қондиришга қўмаклашади;

иқтисодиётдаги ўзгаришларга мос равишда касбий малакани баҳолаш бўйича моддий-техника базасини мунтазам такомиллаштириб боради;

талабгорга эксперт малака комиссиясининг хулосасини, малака имтиҳонидан муваффақиятли ўтган тақдирда, малака паспортини расмийлаштиради ва тақдим этади;

касбий стандартларга асосан малакани баҳолаш мезонларини ишлаб чиқади;

б) ишга қабул қилишида, касб-лавозим тузилмасида ўсишида талабгорларнинг касб компетенциялари талабларига ва касб стандартларига мослигини тасдиқлаш соҳасида:

Тармоқ кенгашининг раҳбарлик ва услубий хужжатларига мос равишда талабгорлар малакасининг касб стандартларига кўра белгиланган малака талабларига, тариф-малака тавсифларига ва талабларига, шунингдек, ходимга малака талаблари қўйилган бошқа норматив-ҳукуқий хужжатларга мослигини малака имтиҳони тарзида мустақил ва холис баҳолашни ташкил этади ва ўтказади;

кенг ва тор ихтисосликлар бўйича ишчиларга малака разрядларини ва мутахассисларга малака тоифаларини беради;

муайян мутахассислик (касб) бўйича касбий компетенция даражасини тасдиқловчи ва Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчи касблари классификаторига мувофиқ талаб этиладиган касбий малака даражаларини беришга асос бўлувчи компетенция тўғрисидаги сертификат берилишини таъминлайди;

в) касб малакалари бўйича норматив ҳужжатлар ва стандартлар бўйича таклифлар тайёрлаш ва уларни ишлаб чиқшида шитирок этиши соҳасида:

меҳнат бозори талабларига мос келадиган, лавозимда ўсиш ва рақобатбардошликни таъминловчи касбий малака ва кўнилмаларни баҳолаш тизимини жорий этади;

касб стандартларини ишлаб чиқиш жараёнида ўз таклифларини тегишли Тармоқ кенгашига тақдим этади;

касб компетенцияларини баҳолашни талабгорлар ва иш берувчилар ўртасида оммалаштириш, корхона ва ташкилотларда ходимлар ўртасида адолатли меҳнатга ҳақ тўлаш тизими вужудга келишига эришиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

г) тегишли тармоқ ёки корхонада ишловчи муайян лавозимларни эгаллаб турган ходимларга нисбатан аниқ ва тўғри талабларни шакллантирувчи ҳар бир компетенция ривожланишининг мос шкаласи ва аниқ хулқ индикаторларини белгилаган ҳолда компетенцияларнинг самарали моделларини ишлаб чиқши ва жорий этиши соҳасида:

иш берувчиларга сифатли кадрлар танлови имкониятининг вужудга келиши учун ҳар бир компетенция бўйича тегишли тармоқ кенгашлари ва иш берувчилар билан доимий ҳамкорлик қиласи;

касбий малакаси баҳолангандан тасдиқланган шахслар малака доираси даражаларига мувофиқ лавозимларни эгаллаш ва меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳукуқидан фойдалангандан ҳолда ходимлар ўртасида соғлом рақобат ва мотивация муҳити пайдо бўлишига хизмат қилишини таъминлашга қаратилган тарғибот ишларини ташкил этиб боради;

тасдиқланган касбий малака паспорти ҳақидаги маълумотларни тасдиқланган малакага эга шахслар миллий реестрига киритиш учун ваколатли органга маълумотларни тақдим этади;

д) касб компетенциялари ва ишбилармонлик сифатларини ривожлантиришининг корпоратив дастурларини ишлаб чиқши соҳасида:

касб компетенциялари ва ишбилармонлик сифатларини ривожлантириш бўйича хорижий экспертларни жалб этади, хорижий касбий малакани баҳолаш марказлари билан ҳамкорлик қиласи;

касбий малакани эгаллаш, компетенцияни баҳолаш ва иш ўрнида ўсиб бориш йўналишлари бўйича таълим муассасалари ва иш берувчилар билан ҳамкорлик қиласи;

е) талабгорнинг мавжуд малакасини аниқлашида холисликни таъминлаш механизmlарини жорий этиши соҳасида:

касбий компетенцияси тасдиқланган шахсларни баҳолангандан малака даражасига мувофиқлиги бўйича доимий мониторинг олиб боради;

баҳолаш жараёнларига шаффоф ва электрон тизимни жорий этиш бўйича халқаро тажрибани ўрганади;

касбий малакани баҳолашда ҳаққонийлик, холислик, шаффофлик ва ишончлилик тамойилларига риоя этиб боради;

малака даражасини эгаллаш ва тасдиқлашни хоҳловчи барча талабгорлар учун ихтиёрийлик тамойиллари асосида тенг шароитларни яратади.

Малакани баҳолаш марказлари тармоқ ёки ҳудудий кенгашларнинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорларига кўра тегишли тармоқларга тааллуқли ва умумтармоқ касб малакалари бўйича норматив ҳужжатлар ва стандартларни ишлаб чиқишида қатнашиш функцияларини бажаришлари мумкин.

8. Малакани баҳолаш маркази:

ушбу Намунавий низом ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунчилик ҳужжатлари талабларига қатъи риоя қилиши;

малакани баҳолашга даъво қилаётган ҳар бир йўналиш бўйича штатда доимий ёки ўриндошлик асосида ишловчи олий маълумотли ва олий таълим муассасасини тугатгандан кейин камидаги 3 йил амалий иш стажига эга бўлган, шунингдек, меҳнат органлари ходимлари малакасини ошириш Республика курсларида малака оширишдан ўтган камидаги бир нафар ходимнинг мавжудлиги;

малакани баҳолашга даъво қилаётган ҳар бир йўналиш бўйича малака имтиҳонини ўтказиш учун зарур бўлган хўжалик юритиш, тезкор бошқарув ва бошқа қонуний асосларда мулк сифатида моддий-техника базасига эга бўлиши;

касб стандартлари ва малака талабларига асосланган, малака имтиҳонлари ва синов малака ишларини ўтказиш моддий-техника базасининг мавжудлиги;

баҳолаш воситаларини Меҳнат институти ёки Тармоқ кенгашидан экспертизадан ўтказиши;

хизматлар кўрсатишида олинган маълумотларнинг маҳфийлигини таъминлаши;

малакани баҳолаш бўйича шартномавий мажбуриятларни ўз вақтида ва сифатли бажариши;

малакани баҳолашдан ўтган шахслар ҳисобини юритиш, баҳолаш бўйича ягона дастурий таъминотдан фойдаланиши;

ўз фаолияти тўғрисида ҳақоний ҳисбот тақдим этиши талабларига жавоб бериши ҳамда фаолият йўналишига кўра ўзига тааллуқли бўлган Тармоқ кенгашига белгиланган тартиб ва муддатларда ҳисбот бериши шарт.

9. Малакани баҳолаш маркази қуйидаги ҳуқуқларга эга:

талабгорга малака паспортини бериш;

Республика, Тармоқ ва ҳудудий кенгаш қарорига кўра норматив, раҳбарлик ва услубий ҳужжатларни ишлаб чиқишида иштирок этиш;

касб имтиҳони кўринишида малакаларни мустақил баҳолагани ва малака паспорти бергани учун тўлов олиш;

малакани баҳолаш бўйича фаолиятни амалга ошириш бўйича фаолият тажрибасини умумлаштириш, бу борада фикр алмашиш мақсадларида илмий-услубий конференциялар ўтказиш, кўргазма, семинарлар, мажлислар, услугубий, ташкилий, тартиб-таомиллар бўйича тушунтиришлар ташкил этиш ва ўтказиш.

Малакани баҳолаш маркази амалдаги қонунчиликка ва норматив-хукуқий хужжатларга, жумладан, Республика ва тармоқ кенгаши қарорларига мувофиқ ўз ваколати доирасида бошқа хукуқлар ва мажбуриятларга эга бўлиши мумкин.

10. Малакани баҳолаш маркази:

ўзига юклатилган вазифалар, функциялар, талаблар ва мажбуриятларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши;

малакани ҳаққоний, холис ва шаффоф баҳолаш учун жалб қилинган мутахассислар (экспертлар) малакаси;

малака имтиҳонларини ўтказиш жараёнини тартибга солувчи норматив-хукуқий ва бошқа хужжатлар талабларини бажармаганликлари;

талабгор шахсига тааллуқли ва малакани баҳолаш жараёнида олинган ва бошқаларнинг хабардор бўлиши чекланган маълумотларни ошкор этганлиги;

малакани баҳолашда фойдаланиладиган жиҳозлар, ускуналар ва қурилмалардан тааллуқли бўлмаган мақсадларда фойдалангани учун жавобгардир.

3-боб Малакани баҳолаш марказининг намунавий тузилмаси

11. Малакани баҳолаш марказининг намунавий тузилмаси қўйидагилардан таркиб топади:

Малакани баҳолаш маркази раҳбари (директори);

талабгорларга ахборот бериш, малакани баҳолашга тааллуқли хужжатларни (аризалар ва буюртмаларни) қабул қилиш, малака комиссияни шакллантириш, малакаларни баҳолаш дастур, усул ва воситаларини ишлаб чиқиш, касб малакасини валидация қилишни ташкил этиш ва малака паспортларини расмийлаштириш ва бериш, шикоятларни кўриб чиқиш ва бошқа функцияларини бажарувчи ташкилий-услубий бўлим;

малака имтиҳонини ўтказишни ташкил этиш функцияларини бажарувчи малака бўлими;

Малакани баҳолаш маркази хужжатларини сақлашни таъминловчи архив бўлими;

молиявий-хўжалик бўлими.

Малакани баҳолаш марказининг фаолият йўналишлари хусусиятлари ва хизматлар қамровидан келиб чиқиб, ўз фаолияти самарадорлигини оширишни таъминлашга мўлжалланган бошқа бўлинмалар, иш жойлари, лавозимлар ташкил этиши мумкин.

12. Ташкилотларнинг алоҳида бўлинмаси сифатида ташкил этилган (юридик шахснинг таркибий бўлинмаси сифатида ташкил этилган малакани мустақил баҳолаш органи) малакани баҳолаш маркази раҳбари (директори) тегишли ташкилотнинг раҳбарига бевосита бўйсунади.

Малакани баҳолаш маркази раҳбари (директори):

малакани баҳолашни ташкил этиш ва ўтказишда Республика, Тармоқ ва худудий кенгашининг раҳбарлик ва услубий хужжатларига риоя қилиш;

малакаларни баҳолаш бўйича кўрсатилган хизматлар сифати;

малакаларни баҳолашда талаблар бир хиллигини таъминлаш;

касб малакаси ва малака даражасига мувофиқлик тўғрисида қабул қилинган қарорларининг асослилиги;

малакаларни баҳолаш бўйича хужжатларнинг расмийлаштирилиши ва берилишининг қонунчилик хужжатларига мувофиқлиги;

Республика, Тармоқ ва худуд кенгашига бериладиган ҳисоботларнинг муддатлари ва ҳаққонийлиги;

архив ишининг юритилишини таъминлаш;

малакани баҳолаш фаолияти жараёнида олинган ахборотнинг маҳфийлигига риоя қилиш;

Малакани баҳолаш маркази фаолиятининг ахборот жиҳатдан очиқлигини таъминлаш бўйича шахсан жавобгар ҳисобланади.

4-боб. Малакаларни холис ва мустақил баҳолаш, малака паспортини расмийлаштириш ва бериш

15. Малакаларни холис ва мустақил баҳолаш қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

16. Малака паспорти қатъий ҳисоб-китоб хужжати ҳисобланади, ҳисоб сериясига, рақамига ва ҳимояланиш даражасига эга бўлади. Малака паспорти бланки Малакани баҳолаш маркази томонидан “Давлат белгиси” давлат унитар корхонасида нашриёт усулида чоп этилади ва Ўзбекистон Республикасининг барча худудида бир хил кучга эга.

Малака паспорти QR-код билан электрон шаклда ҳам берилиши мумкин.

17. Малака паспорти талаборгра эксперт малака комиссиясининг баённомаси тақдим этилгандан кейин 10 кун мобайнида тақдим этилади.

7-боб. Якунловчи қоидалар

18. Ушбу Намунавий низом талабларини бажаришда юзага келадиган низолар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.

19. Ушбу Низом талабларини бузишда айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “30” сентябр даги 616-сон қарорига
5-илова

**2021 – 2022 йилларда Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан тармоқлараро меҳнат
меъёрларини жорий этиш бўйича ишланмаларни ишлаб чиқиш
ГРАФИГИ**

Т/р	Меҳнат меъёрларининг номланиши	Қамраб олиш доираси	Муддат	Масъул ижрочилар
1.	Кадрлар хизмати ва бухгалтерия хисоби ходимлари максимал сонининг меъёрлари	Барча тармоқлар	2022 йил январь	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлиги
2.	Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг юридик хизмат ходимлари томонидан бажариладиган ишларнинг вақт меъёрлари	Бюджет ташкилотлари	2022 йил февраль	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Адлия вазирлиги
3.	Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг бошқарув, хизмат кўрсатиш ва техник ходимлари сони нисбатининг меъёрлари	Давлат бошқарув органлари	2022 йил февраль	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлиги
4.	Ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ходимлари сонининг тармоқлараро меъёрлари	Барча тармоқлар	2022 йил март	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги
5.	Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг хизмат кўрсатиш ва маданий-маиший биноларини тозалаш учун вақт меъёрлари	Бюджет ташкилотлари	2022 йил март	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт вазирлиги
6.	Маъмурий бино-иншоотларга хизмат кўрсатиш ва жиҳозларни таъмирлашда банд бўлган ишчилар сонининг тармоқлараро меъёрлари	Барча тармоқлар	2022 йил март	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлиги

Т/р	Меҳнат меъёрларининг номланиши	Қамраб олиш доираси	Муддат	Масъул ижрочилар
7.	Кутубхоналарда ва ахборт-ресурс марказларида бажариладиган иш учун тармоқлараро вақт меъёрлари	Барча тармоқлар	2022 йил апрель	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Маданият вазирлиги
8.	Ташкилотлар шахсий таркиби бўйича хужжатларни саклайдиган қўшма архивларда бажариладиган иш учун вақт меъёрлари	Барча тармоқлар	2022 йил апрель	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, “Ўзархив” агентлиги
9.	Бошқарувни хужжатлар билан таъминлаш бўйича ишлашнинг тармоқлараро вақт меъёрлари	Барча тармоқлар	2022 йил май	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, “Ўзархив” агентлиги
10.	Иш юритиш бўйича хизмат кўрсатиш ишларида оширилган вақт меъёрлари	Барча тармоқлар	2022 йил май	Меҳнат вазирлиги
11.	Илмий-техник адабиётлар ва хужжатлар таржимаси бўйича намунавий вақт меъёрлари	Барча тармоқлар	2022 йил июнь	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги
12.	Кўкаlamзорлаштириш бўйича ишларда намунавий вақт (ишлаш) меъёрлари	Барча тармоқлар	2022 йил июнь	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги
13.	Қишлоқ хўжалигида банд бўлган хизматчилар сонининг намунавий тармоқ меъёрлари	Қишлоқ хўжалиги	2022 йил июль	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
14.	Маиший чиқиндиларни йиғиш, қайта ишлаш ва йўқ қилишда банд бўлган ишчилар сонининг меъёрлари	Коммунал хизмат кўрсатиш	2022 йил август	Меҳнат вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги
15.	Мехмонхона хўжалиги бошқарувчилари, мутахассислари, хизматчилари, ишчилари ва умумий овқатланиш корхоналари ходимлари сонининг тавсиявий меъёрлари	Туризм	2022 йил август	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Туризм ва спорт вазирлиги

Т/р	Мехнат меъёрларининг номланиши	Қамраб олиш доираси	Муддат	Масъул ижрочилар
16.	Олий таълим муассасалари ётоқхоналари ишчилари сонининг меъёрлари	Таълим	2022 йил сентябрь	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги
17.	Шахсий компьютерлар, серверлар, ташкилотларнинг техника ва офис жиҳозларига хизмат қўрсатиш бўйича ишларнинг вақт меъёрлари	Барча тармоқлар	2022 йил октябрь	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги
18.	Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари таркиби бажарадиган ўқув ишлари ҳамда ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ва бошқа ишларнинг асосий турлари ҳажмини ҳисоблаш учун тахминий вақт меъёрлари	Таълим, фан	2022 йил октябрь	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Фанлар академияси
19.	Болалар соғломлаштириш оромгоҳлари ишчилари сонининг намунавий штатлари меъёрлари	Барча тармоқлар	2022 йил ноябрь	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Халқ таълим вазирлиги
20.	Ташкилотлар буюртмаси бўйича тармоқ меҳнат меъёрлари	Барча тармоқлар	доимий	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги

